

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ҚАРАШЛАРИДАГИ АДОЛАТ ВА ТЕНГЛИК МУАММОСИ

*Ашурова Марҳабо Сайфуллоевна
Бухоро Давлат Университети
Мустақил изланувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада Ҳусайн Воиз Кошифийнинг инсон камолоти учун муҳим бўлган адолат ва тенглик масалалари ҳақида гап боради. Хулқий фазилатларни эгалламоқчи бўлган инсонга албатта ақл керак ва “кимнинг ақли пок бўлса” у аста-секин юқорига кўтарила бошлайди.

Калит сўзлар: одоб, ахлоқ, тарбия, ахлоқий тарбия, фазилат, хулқ, таълим, илм, адолат, сиёсат.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы справедливости и равенства Хусейна Вайза Кошифи, которые важны для человеческого развития. Человеку, желающему приобрести нравственные качества, обязательно нужен интеллект, и «тот, у кого чистый разум», постепенно поднимется вверх.

Ключевые слова: нравы, нравственность, воспитание, нравственное воспитание, добродетель, поведение, воспитание, наука, справедливость, политика.

Abstract: This article deals with Husain Waiz Koshifi's issues of justice and equality which are important for human development. A person who wants to acquire moral qualities definitely needs intelligence, and "he who has a pure mind" will gradually rise to the top.

Key words: manners, morality, education, moral education, virtue, behavior, education, science, justice, politics.

Ушбу мақолада Ҳусайн Воиз Кошифийнинг инсон камолоти учун муҳим бўлган адолат ва тенглик масалалари ҳақида гап боради. Унинг фикрича, ”яхши кишилар энг меҳрибон одамлардир, жониворларга хос бўлганлар эса энг даҳшатли ҳайвон”дир. Бу билан у тарбиядан четда қолган инсонни саводсиз ва одобсиз деб билади ҳамда у бамисоли ҳайвоний хислатларга асрдир деб тушунтиради. Хулқий фазилатларни эгалламоқчи бўлган инсонга

албатта ақл керак ва “кимнинг ақли пок бўлса” у аста-секин юқорига кўтарилди бошлайди.

“Сирож ул-мулк” китобида¹ ёзилишича, Нўширвон мубаъддан сўради: “Мамлакат заволи нечта нарсадан содир бўлади?”. Жавоб берди: “Бунинг сабаби учта, биринчиси, подшоҳдан давлатнинг аҳволи хабари яширин тутилса; иккинчиси, пасткаш одамлар тарбияланса; учинчиси, золимлар ишидан”.

Кошифий “адолат”нинг маъноси халқнинг ҳуқуқий тенглигини таъминлашдир. Адл (адолат) шундай зийнатдирки, у мамлакатга оройиш беради, бир қуёшки, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади, дейди. Адолат зулм кўрганларнинг додига етиб, аҳволларига шафқат назари билан қараш демак. Ҳадисда ёзилишича, бир соатлик адолат тарози палласи олтмиш мукамал ҳаждан оғирроқ экан. Негаки, ҳажнинг натижаси, яъни фойдаси ҳожилардан ўзга кишига бўлмайди, адолат фойдасидан эса каттаю кичик баҳраманддир. Дин давлатнинг ривожини ва шавкати унинг баракатидан барқарор бўлади, мулку миллат асбоби унинг ёрдами билан тўғри бўлади. Адолатнинг савоби чегарасиздир ва ақл қиёсидан ташқаридир. Адолат ҳимояси бўлмаса, шавкат ва давлат эгалари заифи бечораларни қақшатади. Заифлар ҳалок бўлгач ундан сўнгра кучлилар ҳам жойида қолмайди. Чунки кичиклар билан улуғларнинг турмушлари бир-бирига боғлиқдир. Адолат йўқ жойда халойиқнинг турмуши яхши бўлмайди. Бу сўзнинг мисоли сифатида, Абдулла Тоҳир бир куни ўғлига деди: “Давлат бизни наслимизда қайси давргача боқий туради?”. Ўғли деди: “Адолат бисоти ва эҳсон гилами бизнинг айвонимизда ёйиғлик тургунча салтанатимиз боқий туради, агар унда ўзгариш бўлса. Ўша онда елга кетади!”.

Кошифий бу борадаги фикрини давом эттириб, ҳақимлар айтадиларки, адолатнинг маъноси халқ аро тенглик кўзлашдир, яъни бир гуруҳни яна бир

¹ Абу Абдулла Муҳаммад Туртусий (1126 ёки 1131 йили ваф) “Сирож ул-мулк”(“Подшоҳлар чироғи”)асари.
www.pedaqoqlar.uz

гуруҳга ғолиб қилинмайди, ҳар тоифа ўз мартабасида тугилади. Шу муносабат билан Кошифий инсон доимо ақлли, меҳрибон кишиларнинг суҳбатига қулоқ тутиши, нодонлар, даврасидан йироқ бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди. Чунки “Яхшилар яқинлиги билан ақллилар йиғиндиси бир зулмдир, абадий шодлик”² лекин инсон учун энг даҳшатлиси “бу жоҳилнинг яқинлиги”³. Шу тариқа мутафаккир фарзанд тарбияси жараёнида исрофгар одамлардан қочишга, саводли ва билимли кишиларга ёндашишга ҳаракат қилиш лозимлигини ўргатади⁴. Кошифий одамларга ўғрилар, ғийбатчилар, фирибгарлар, провакаторлар, ёлғончилар даврасида бўлмасликни маслаҳат беради. Мутафаккир уларга чинакам тавсиф беради, уларнинг пастлиги ва аҳамиятсизлигини очиб беради: ўғрилар оддий халқнинг мулкини ўғирлаб, уларга зарар етказди; дўстлар ўртасида жанжал ва жанжал уюштирувчи ғийбатчилар ва фирибгарлар; Бахтсизларнинг ўзлари ҳақиқатан ҳам яшамайдилар ва бошқаларнинг ҳам тинч яшашига йўл қўймайдилар; ношукур, яхшиликни ёмон ишлар билан қайтарадиган.

Хусайн Воиз Кошифий “ғайрат” тушунчасига тўхталиб, унинг луғавий маъноси бошқача бўлишдир, деб тушунтиради. Истилоҳий маъносига тўхталиб эса бирор кишига қараш ва уни муҳофаза қилишни билдиради -деб, таърифлайди. Агар подшоҳ бирор тадбир ёки сиёсатни мустаҳкамлаш учун хоҳ давлат ишида хоҳ миллат ишида бўлсин ғайратни уйламай иложи йўқ. Шундай экан, бу фазилат инсоният учун ҳар кунлик мақсад сари йўналган муҳим ишларда қўлланилиши учун зарур. Кошифий ғайратни икки қисмга бўлади: дин ғайрати ва дунё ғайрати. Кошифий дунё ғайрати уч хил бўлади, деб айтади. Биринчиси, подшоҳнинг ўз тенглари, биродарлари ва яқинларига нисбатан ғайрати. Иккинчиси, ўз ҳарамларига нисбатан ғайрати. Учинчиси эса умумхалққа нисбатан ғайратидир. Кошифий ўз биродарларига бўладиган

² Кошифи Хусайн Воиз. Ахлоки Мухсиний. - Техрон, 1978. - 180 с.

³ Кошифи Хусайн Воиз. Калила ва Димна. -Душанбе: Адиб. 1989 й

⁴ Кошифи Хусайн Воиз. Ахлоки Мухсиний. - Техрон, 1978. - 180 с

Ғайрати деганда, подшоҳ улардан, давлат, иззат, қудрат, дабдаба, улуғлик ҳамда шавкатда ҳаммаларидан зиёда бўлиши кераклигини айтади. Бу ғайратнинг вужуди ва ҳамиятнинг зуҳуридан подшоҳнинг барча ишлари ҳал бўлади ва мақсад сари йўналган мушкуллари қарор топади. Бу турдаги ғайрат ҳиммат аҳлининг ишидир, ҳиммат қанчалик баландроқ бўлса, ғайрат шунчалик ортиқроқ бўлади. Подшоҳ авлодларидан бири ҳакимдан сўради: “Қандай қилсам ўз тенгдошларимдан шавкат ва улуғликда зиёда бўламан, бу ишда қандай нарсаларни қўлга киритишим керак”. Ҳаким унга, “Эй шаҳзода, давлатга етишиш учун ҳеч бир нарса ҳиммат ва ғайратдин яхшироқ эмас”, деб жавоб берди. Иккинчиси ўз ҳарамларига нисбатан ғайрат эса, уларни покизалик ва покдомонлик ҳудудида тутмоқ зарур, шариат бўйича қандай нарса лозим бўлса, шуни уларга одат қилдириш керак. Бу иш натижасида халқнинг аёл ва фарзандларида тўғрилиқ хислати пайдо бўлиб, фисқу-фасоддан узоқ бўладилар.

Билғил, эй ғафлатпаноҳи хуш хиром,
Маҳрамингдин ўзгага жилванг ҳаром.
Қўймағил ҳар куй сориға қадам,
Ҳар кишига очмағил кўзингни ҳам.

Кошифий фикрича учинчиси, умумхалққа нисбатан бўладиган ғайрат шуки, подшоҳ ўз ҳарамига нисбатан қандай йўл тутса, бошқа барча мусулмонларнинг ҳарамига нисбатан ҳам шу хилда йўл тутиши кераклигини айтади. Ушбу ғайратда, подшоҳ мулозимлари халқнинг аҳли ва аёлига бадномлик етказмасликка, мусулмонларнинг хатоларини, айбларини имкон қадар яширишга ҳаракат қилиши керак. Бир ҳадисда айтилганидек, ҳар ким бир мусулмоннинг айбини ёпса, Аллоҳ унинг барча қилган айбларини ёпади.

“Сиёсат” сўзининг асл маъноси кишини ғамга солишдир. “Истилоҳ” маъноси эса мамлакатни қўлда тутиш ва ҳар кимни ўзига муносиб ўринга қўйишдир. Сиёсат икки хил бўлади бири ўз нафсига нисбатан сиёсат қилиш, иккинчиси, ўзга кишига сиёсат қилиш. Ўз нафсига бўлган сиёсат шуки, ёмон сифатларни ўзидан йўқотиш ва яхши хулқларни эгаллашдир. Бошқаларга

нисбатан сиёсат эса яна иккига бўлинади. Биринчиси ўз аёнлар ва яқинлари сиёсати ва уларни тартибга солиш. Иккинчиси, умумхалқ сиёсати. Подшоҳ мамлакатадаги бадфеъл ёмон одамларни хамиша кўрқувда тутиши, яхшиларни эса доимо умидли ҳолда тарбиялаши керак.

Адабиётлар:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент. Мовороуннаҳр.2006.-186
2. Имом Аҳмад ибн Қудома Мақдисий. Минҳожулқосидийн (саодат изловчиларга қўлланма). Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-мантбаа бирлашмаси. 2009.- 175 б.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент.Мовороуннаҳр. 2006.-556
4. Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. Тошкент: Адолат. 2004- 155 б.
5. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. Футувватномаи Султоний.Тошкент.: Ўзбекистон. 2019-2386
6. Sayfulloyevna, A. M. (2020). The manifestation of the “Law on the unity of contradictions and struggle”. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1625-1635.
7. Sayfulloevna, A. M. (2021, May). FUTUVVAT (CHIVALRY)-THE MAON FORM OF MORAL EDUCATION. In *E-Conference Globe* (pp. 162-167).
8. Sayfulloevna, A. M. (2021). Futuvvat (Chivalry)-The Basis of Moral Education. *Central asian journal of literature, philosophy and culture*, 2(4), 39-43.
9. Sayfulloevna, A. M. (2020). Reflection of the " law of unity and struggle of opposites" in the dialectic of Jalaliddin rumi. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(8), 1996-2005.
10. Sayfulloevna, A. M. (2021). Spiritual and moral education issues in the works of eastern thinkers.

11. Faizullaevich, Z. S., & Sayfullaeva, A. M. (2020). Features of material culture of Bukhara. *Test Engineering and Management*, 83(5-6), 2740-2745.
12. Jobir o'g'li, Y. M., & Roziyabonu, S. (2022). 1-SINF MATEMATIKA DARSLARIDA GEOMETRIK MATERIALLARNI O'RGATISH. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 1(9), 132-137.
13. YARASHOV, M. (2023). The Place of Digital Technologies in the Education System. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
14. YARASHOV, M. (2023). Methodology of Application of Digital Technologies in Primary Education. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
15. YARASHOV, M. (2023). The Process of Creative Organization of Primary School Mathematics Education through Digital Technologies. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
16. YARASHOV, M. (2022). Characteristics of International Integration of Sciences in Primary Schools. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 23(23).
17. V. Hamdamova. (2022). THE ROLE OF HISTORICAL INFORMATION IN TEACHING TECHNOLOGY LESSONS. *Open Access Repository*, 9(11), 228–231. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/9H2DG>